

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 100 (11.411)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **КЕЧА** «Radisson sas» мехмонхонасида Ўзбекистон — Франция илмий техникавий ҳамкорлиги бўйича анжуман уюштирилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида Халқаро музейлар кўни муносабати билан ташкил этилган расмлар кўргазмаси «Ўзбекистон замани ҳақида дoston» деб номланди.

● **КЕЧАДАН** Тошкент Архитектура ва курилиш институтида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан талабалар ўртасида ташкиллаштирилган фан олимпиадасининг иккинчи босқичи бошланди.

● **КЕЧА** «Туркистон» саройида ўтказилган «Ёш юлдузлар — 2009» хайрия фестивали 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланди.

● **КЕЧА** шаҳримизда коммунал соҳани ривожлантиришнинг самарали усулларига бағишлаб ўтказилган тадбирда соҳа мутахассислари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида талабалар ўртасида ҳуқуқшунослик фани бўйича фан олимпиадасининг иккинчи босқичи бошланди.

● **БУГҮН** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов номи маҳаллада 10-15 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида «Спорт — саломатлик гарови» шiori доирасида у-шу, кўл жанги бўйича ўтказилган мусобақалар туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГҮН** Миробод туманидаги 145-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир асим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

● **БУГҮН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Яшил чирок» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Глиэр номидаги Республика махсус музыка лицейида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Миллатни юксак тарбия асрайди ва улуглайди» деб номланди.

● **КЕЧА** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамяти Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракатининг 150 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бош бошқармалари ҳамкорликларида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги 307-мактабда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман худудий тиббиёт бирлашмаси ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Мусаффо осмон» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Мамлакатимизда йил сайин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, кичик бизнес орқали янги-янги иш ўринлари яратилиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «NURAFSHON NUR» хусусий корхонаси ҳам бугунги бозор талаблари асосида изланаётган, махсулотнинг харидоригр турларини кўпайтириш учун замонавий технология линиялар қувватидан унумли фойдаланаётган жамоалар қаторидан ўрин олган. Шу боис бўлса керак буюртмалар асосида замонавий ҳамда қулай иш кийимлари ва пойабзаллар ишлаб чиқарилаётган маъруз корхона ички бозорда ўзини топмоқда. Шунинг баробарида хорижий буюртмачиларни ҳам жалб этишга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

— Албатта, махсулот турларини кўпайтириб, рақобатбардошлигини оширишда бугунги замонавий талабларга жавоб берадиган технологик линияларнинг ўрни бекиёс, — дейди хусусий корхона раҳбари Муҳаббат Тошмухамедова. — Шу боис ҳам корхонамиз цехларини янги жиҳозлар билан таъминлашга, махсулот турларини кўпайтиришда илгор технологияларни қўллашга эътибор қаратмоқдамиз. Энг муҳими эса буюртмачилар сафини ошириб, уларнинг талаб ва эhtiёжлари асосида ишлашимиз. Буюртмачиларимиз қаторидан йирик корхона ва компаниялар, фирма ҳамда ташкилотлар ўрин олган. Мохир дизайнерларимиз ҳар бир буюртмани ўрганган ҳолда янги моделларни яратишда. Буюртмаларни бажариш жараёнида сифатга, қулайликка эътибор қаратамиз. Мах-

сулотларимиз кўринишини замон талабига мослаш мақсадида жорий йилда Хитойдан лизинг асосида нақш тушириш уқувасини келтириб ўрнатмоқчимиз.

Изланишлар самара бераётгани боис ҳам ҳозирда корхона махсулотларининг тури 1000 хилдан ортиқчи ташкил этмоқда. Яратилган ҳар бир янги махсулот тури эса буюртмачиларга қулай бўлиши учун ташкил этилган кўргазмалар залидан ўрин олади.

Шу ўринда айтиш лозимки, тадбиркорларнинг ўтказилаётган ярмаркалардаги махсулотлари намойиши, тендерлардаги иштироки яхши самара бермоқда. Бунинг натижасида харидорлари сафи ҳам кенгайиб борапти. Улар ҳам қандай соҳа ходимлари учун бежирим ва ишлашга қулай иш кийимлари тайёрлаш олишди. Бунда сифатли хом ашё — чидамли ҳамда иклим шароитига мос матолат чеварларга қўл келди.

Асосий буюртмачилар сирасига «Шўртангаз» кимё мажмуаси, «Тошшахарнур» корхонаси, «Каттакўрган ёмғир комбинати», «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» ОАЖ, «Мирзачўл» давлат унитар корхонаси сингари кўллаб корхона ва ташкилотлар қилари. Миҳозлар орасида транспорт, газ, тоғ-қон, курилиш, автомобиль, ободонлаштириш сингари кўллаб соҳа вакиллари мавжуд ва уларнинг дид ҳамда истақлари махсулот тайёрлашда инobatта олинади.

Шарофат БАХРОМОВА СУРАТЛАРДА: маҳорат билан тайёрланган махсус кийимлар сифатга қаратилган юксак эътиборнинг далолатидир.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Юртимиз мустақиллигининг илк даврида ҳам, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, обрў-эътибор қозониб, нуфуз орттиргандан кейин ҳам айрим хорижий оммавий ахборот воситалари Ватанимиз шаънига бўҳтонлар ёғдириб, уйдирма ва сафсаталар тўқиди. Янги мустақил давлатни ўз йўригига солишга интиладиган, пинҳона «оғалик» даъвосида бўлганлар ҳар доим бўлган, ҳозир ҳам йўқ эмас. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тугайли бундай иғволар бироз пасайгандай...

Бир қарашда Ўзбекистонга маломат ёғдириш билан глобал инқироз ўртасида боғлиқлик йўқдек кўринади. Чунки бир сиёсий жараён бўлса, иккинчиси — иқтисодий аҳамиятга молик воқеа. Шунга қарамай, бу икки омил айрим даст-дароз молиявий корчалонларнинг манфаатлари тугайли юзага келганини англаш қийин эмас.

Бундай корчалонлар баъзи давлатларнинг ташқи ва ички сиёсатини керак пайти ўз фойдасига буриб юбориши мумкинлигини таъкидлаш жоиз. Дейлик, ҳарбий санoат мажмуи гуркираб ривожланиши учун оловли нуқталар «ташқил қилинади». Фармацевтикада даромадни кўпайтириш учун янги-янги дорилар ишлаб чиқарилиб, ўзига ўхшашла-

ридан ўн чандон фойдали экани зўр бериб реклама қилинади ва ҳоказо.

Бу усул қуйидаги латифани эсга солади: «Уч дўст қандай қилиб пул топиши мумкин?»

Бу жуда осон: биринчиси — компьютер дастури, иккинчиси — шу дастурни ишдан чиқарадиган вирус, учинчиси — шу вирусга қарши дастур ишлаб чиқаради».

...Жаҳон урушлари даврида ҳам айрим завод ва фабрикалар бомбардимондан омон қолганини инсоният яхши билади. Тасодиф эмасдир, ҳар ҳолда! Уша пайтларда ҳам молиявий корчалонлар фақат ўз фойдасини ўйлайдиган сиёсатчилар, кўмондонлар билан тил бириктира олган бўлиши мумкинми?

Афсуски, давлатни давлатга, қавми қавмга қайраш ҳали ҳам тўхтагани йўқ.

Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳнамолигида синовлардан мардонвор ўтиб келяпти. Бунга истаганга мисол келтириш мумкин. Қарийб 18 йиллик энг янги тарихимизга бир назар ташлаган киши барчасини кўради.

Алҳол, молиявий-иқтисодий инқироз кўлами юқонинг домидек кенгайгани сари иқтисодиёти ривожланган давлатларда тушқунлик кўпроқ кузатилади. Иқтисодиётни сунъий равишда шишириб, бойлигини кўпайтиришга ўрганиб қолган молиявий корчалонларнинг кўзини шира қоплади. Оқибатда йирик банк-молия муассасалари хонавайрон бўлди, доврўз қозонган компания ва корпорациялар парокандаликка юз тутди. Ходимларни ишдан бўшатилиш ва корхоналарни ёпиш ҳамон давом этмоқда.

Мана шундай шароитда Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. Чунки Президент Ислом Каримовнинг чуқур ўйланган, оқилона сиёсати нақадар тўғри эканлиги яна бир бор ўз исботини топди. Бошқача айтганда, Юртбошимиз глобал инқироз келтириши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан кўра билди ва 2008 йилдаёқ мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Савдо-санoат палатаси томонидан Германия иқтисод ва технологиялар федерал вазирлиги ҳамда «Messe Frankfurt Exhibition GmbH» халқаро кўргазмалар концерни ҳамкорлигида уюштирилган «Марказий Осиёда Германия тўқимачилик технологиялари» симпозиуми бўлиб ўтмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бўйича давлат назоратига ИСАО Европа бюроси томонидан бир қатор давлатларнинг авиация маъмуриятлари ва авиакомпаниялари вакиллари иштирокида халқаро ўқув курслари ташкил этилди. Курслар якунида тингловчиларга фаолиятнинг ушбу тури бўйича иш олиб бориш ҳуқуқини берувчи ИСАО махсус сертификатлари топширилди.

● Чирчиқ шаҳрида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун мўлжалланган кўп хонадонли турар жой биносини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Шу кунга ҳарбий хизматчилардан 20 та ёш оила уч хонали ҳамда яна 20 оила икки хонали шинам ўйларга кўчиб ўтди.

● «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ҳамда «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг Сирдарё вилоятида ўтказилиши муносабати билан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Сирдарё, Гулистон, Сайхунобод, Оқолтин, Ховос туманларидаги маҳаллаларда ўзбек эстрада хонандалари билан қишлоқ аҳолисининг маданий учрашув кечаларини ўтказди.

● Президентимиз Қарори билан Тошкент шаҳрида 2008 йилдан фаолиятини бошлаган Сингапур Менежментни ривожлантириш институтининг тақдироти Андижон вилоятида ўтказилди. Унда институтнинг илмий ходимлари ва талабалари вилоят лицей, коллеж ва олий ўқув юртлиари битирувчиларига институт тарихи, имкониятлар, ўқув жараёнлари, шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

● Конимех туманидаги «Сарибел» ширкат ҳўжалигида «Сарибел сур-сервис» кичик корхонаси иш бошлади. Замонавий дастгоҳлар ўрнатилган маъруз кичик корхонада кўй терисидан пўстин, этик, туфли ва бошқа турли моделдаги кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

● Андижон вилояти «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси томонидан Хўжаобод туманида «Қандолат люкс» унитар корхонаси ташкил этилди. Корхонани модернизациялаш ва янги жиҳозлар билан таъминлаш учун «Микрокредитбанк»нинг шаҳар бўлими томонидан 15 миллион сўмлик кредит ажратилди. Натижада 15 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Грузия ва Абхазиядаги БМТ мандатини ўзгартириш ҳақидаги таклиф билан чиқди.

● Хорватияда маҳаллий бошқарув органлари учун сайловлар бўлиб ўтди. Бунда 4 миллионлик хорват электорати 545 муниципалитет ва 21 та округларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарларини сайлади. Сўнги маълумотларга кўра, муҳолифатдаги социал-демократларни сайловчиларнинг 28,9 фоизи, Хорватия демократлар иттифоқини сайловчиларнинг 25,3 фоизи кўллаб-қувватламоқда.

● Россия Федерациясида давлат хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотларни топширишлари тартибини мувофиқлаштирувчи фармонлар кучга кирди.

● Грецияда А/Н1 N1 вируси билан хасталанган дастлабки бемор аниқланди. Мамлакат Соғлиқни сақлаш ва ўзаро ижтимоий ёрдам кўрсатиш вазири ўринбосарининг таъкидлашча, яқинда АҚШдан юртга қайтган 19 ёшли талабада ушбу хасталик аломатлари кузатилган. Айни вақтда мамлакатда хориждан келувчиларни жиддийроқ назорат қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

● Фаластинликларнинг ўт очиши бошлаганликларига жавобан Исроил кеча Ҳазо секторини бомбардимон қилди.


● АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон БМТнинг Гаити бўйича махсус вакили этиб тайинланди.

● Филиппиннинг Компостела водийсидаги Наппанан қишлоғида ер ўпирилиши содир бўлди. Тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида рўй берган табиий офат 26 кишининг умрига зомин бўлди, 19 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди, 6 киши эса бедарак йўқолди.

● Венесуэла махсус хизмат ходимлари мамлакатнинг амалдаги президенти Уго Чавесга нисбатан суиқасд уюштиришни режалаштирган тўрт кишини қўлга олишди. Мамлакат Ички ишлар вазири Тавекнинг айтишича, ушбу жиноий гуруҳнинг етакчиси махфий террорчилик ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

● Кавказда хавфсизликни таъминлаш бўйича Женева консултацияларининг навбатдаги босқичини 1 июлда ўтказиш белгиланди.

ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



Қадимий ва ҳамиша навқирон пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик таваллуд айёмини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилайётган бугунги кунда барча соҳа ходимлари шодийнани муносиб кутиб олишга муҳим ҳисса қўшишга интилоқда. Бу борада республикаимиз Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори дастуруламал бўлиб, унинг ижросини таъминлаш йўлида Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасида бир қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва айти кунларда белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда.

БАРЧА САЙЁХЛАРГА МАНЗУР

«Шарафнинг шарафлайман, Тошкентим» мавзусидаги тадбир яқинда Тошкент телеминорасида бўлиб ўтди. Унда сўз олганлар шаҳримизга кўрк ва улғурорлик бағишлаб турган ушбу ноёб архитектура дурдонасининг нафақат мамлакатимиз, балки дунё кўрраи замининда тутган ўрни, жаҳон нигоҳидаги аҳамияти ҳақидаги илиқ фикрларини билдирдилар.

— Телеминора Тошкент шаҳрининг энг кўркам, фусункор ва улкан иншоотларидан бири ҳисобланади, — дейди Тошкент телеминораси директори Сирожиiddин Усмонов. — Ажойиб кўринишга эга бўлган, осмон билан бўйлашган бу масканда саёхатчилар учун жуда кўлаб қулайликлар яратилмоқда. Айниқса, янги кириш фойесининг ишга тушиши ва музейнинг кўлаб экспонатлар билан янада бойитилиши нафақат таширф буюрувчилар, балки телеминора ходимларига ҳам аъло кайфият бағишламоқда. Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи муносабати билан тасвирга туширилган телеминора ҳақидаги ҳужжатли фильм эса, барча саёхатчиларга манзур бўлмоқда. «Мовий» ва «Алвон» деб номланган ресторан залларида ҳам, сайёҳлар учун барча қулайликлар кўнгилдагидек қилиб яратилган. Шаҳримизнинг шарафли гўшаси ҳисобланган Тошкент телеминораси ҳамиша пойтахт кўзгуси бўлиб қолаверади. Унда эзгуликка йўғрилган, яхшиликка чорловчи энг улғур ишлар амалга оширилади.

ТЎЙГА ТЎЁНА

Яқинда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи муносабати билан «Тўйга тўёна» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда уюшма ходимлари, бастакорлар, шоирлар ва эл севган хонандалар иштирок этдилар. — Шаҳримизнинг муборак тўйига энг сараланган, пойтахт гўзаллиги, ватан соғинчи, юрт васфи, халқимизнинг бахтли ҳаёти ва муҳаббат мавзусидаги кўшклар, дилбар кўшиқлар саралаб олинмоқда, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Айтилганда юбилейга тайёргарлик ишлари жуда қизгин кетмоқда. Шоирларимиз қаламига мансуб гўзал шеърларга ихтидорли бастакорларимиз томонидан дилбар куй ва кўшиқлар яратилмоқда. Асосий мақсад эса шаҳримиз тимсолида эзгуликни, яхшиликни, тинчликни, гўзалликни куйлаш ва унинг таърифини кўшиқлар орқали етти иқлимга таратишдан иборатдир. Зеро, дунё нигоҳида Ўзбекистоннинг юрғи бўлиши Тошкент ҳамиша навқирон ва буюқдир.

ЧАМАНЗОРДИР, БОҒДИР МАСКАНИНГ

Учтепа туман ҳокимлигида бўлиб ўтган «Чаманзордир, боғдир масканинг» мавзусидаги тадбир туман миқёсида олиб борилаётган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларининг мавсумий якуни, Муस्ताқиллик байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик санаси муносабати билан режалаштирилаётган ишларнинг кўлами ва тайёргарлик жараёнларига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққан Учтепа тумани ҳокими Шухрат Муҳамедононов туманда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларининг жадал суръатларда амалга оширилаётгани, туманининг марказий йўлларида, хибон ва бекатларида, ўқув муассасалари, мактабгача таълим масканлари, маҳалла, касалхона ва поликлиникаларда, бозорларда олиб борилаётган таъмирлаш, тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг салмоғи, сифати ва тезкорлигига тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда маҳалла оқсоқоллари, ўқитувчилар, тартиб посбонлари шаҳримизнинг кўтулғу тўйига тайёргарлик ишларини ўзгача меҳр-муҳаббат билан бажариш кераклиги ҳақидаги фикрларни билдирдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

— Албатта, кўп қаватли турар жой бинолари шаҳримизга ўзгача файз ва кўркамлик бағишлайди, — дейди бирлашманинг уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Олим Раҳимов. — Айниқса, муस्ताқиллик йилларида кўп қаватли уйлари капитал таъмирлаш, тартибга солиш, атроф-ҳудудларини ободонлаштириш, хонадонларда яшовчи аҳолига намунали коммунал хизматни ташкил этиш, қулайликлардан баҳраманд қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг юқоридаги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 8 апрелда чиқарган қароридан пойтахтимизда уй-жой-коммунал соҳада бажари-

ларини таъмирлаш ҳамда 2009-2010 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш режасига кўра 29 та иссиқлик, иссиқ сув ишлаб чиқарувчи қозонлар, 20 километр иссиқлик, 35 километр газ, 10 километр ичимлик суви, 7 километр оқова сув тармоқлари, 24 та мактаб, 1 та Меҳрибонлик уйи, 9 та касалхона, 56 та болалар мактабгача таълим муассасаси, 6-10 киловольтли 10 та тақсимлаш, 248 та трансформатор пунктлари, 110 та тармоқ трансформаторлари мукамал таъмирланади ва 10-6-0,4 киловольтли 15 километр электр тармоқлари реконструкция қилинади. Шунингдек, кўлаб ҳудуди шундай объектларда жорий таъмирлаш ишлари ҳам адо этилади. Ал-

иссиқлик тармоқлари, 54,1 километр газ тармоқлари, 501 та газ тақсимлаш пунктлари жорий таъмирдан чиқарилди. 6,4 километр иссиқлик тармоқларида иссиқлик қопламаси янгиланди, 3475 та кўп қаватли уй-жойларнинг иссиқлик тизимлари босим остида ювилди.

— Бугунги кунда иссиқлик тармоқларини юқори босимда текшириб, носозликларни аниқлаш юмушлари тугалланди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув, газ, электр таъминоти корхоналарида қурилмалар, иншоотлар, ёрдамчи ускуналар-

Шаҳар хўжалиги мавзусида

КЎРКАМЛИК ВА ҚУЛАЙЛИККА МУНОСИБ ҲИССА



лиши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб берилган бўлиб, ана шу асосда кенг кўламли ишларни амалга оширяймиз.

— Ана шу вазифалар сирасига нималар қиради?

— Аввало таъкидлаш лозимки, асосий эътиборни пойтахтимиздаги кўп қаватли уй-жойларни сақлаш, тартибга солиш, ободонлаштириш, уларнинг кўркини намоён этишига қаратамиз. Ана шу мақсадда белгиланган режаларимиздан 548 та уйлар ёнидаги ноқонуний қурилмаларни, 818 та тартибсиз, талабга жавоб бермайдиган ўровларни бузиш, 5 мингта гаражларни тартибга келтириб, 8 мингта гаражни бўяш, 466 та болалар майдончаларини таъмирлаш, тиклаш ва қуриш, 544,8 минг метр ирригация тармоқларини тозалаш, 9152 та ташқи ёриткичларни таъмирлаш ҳамда тиклаш, 636 та кўп қаватли уйлarning фасад қисмларини таъмирлаш, 1788 тасининг фасад қисмида яшовчилар қайта жиҳозлаган жойларни тартибга келтириш ўрин олган. Шунингдек, ана бир муҳим вазифа 1991 йилгача қурилган кўп қаватли турар жой биноларининг муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирлаш бўлиб, бу иш 424 та уйда амалга оширилади. 900 минг метр квадрат томлар капитал ва жорий таъмирланади ҳамда 864 та кириш йўлаклариди ёриткичларни тиклаган ҳолда таъмирлаш ишлари бажарилади. Кириш йўлаклариди яроқсиз ҳолга келиб қолган 940 та эшик янги металл эшикларга алмаштирилади.

— Бугунги кунда, албатта келгуси мавсум тарафдаги ҳам бошлаб юборилган бўлса керак?

— Бежизга қиш тайёргарлики ёқтиради, дейишмаган. Баҳорда, иситиш мавсуми тугаши билан бунга катъий амал қилинган ҳолда, янги ўтган йилдаги камчилик ва нуқсонлардан ҳулоса чиқарилиб, вазифалар белгиланди. Шу боис ҳам кузги-қишки тайёргарлики режа асосида олиб бораямиз. Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объек-

ни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари ҳам жадвал асосида ташкил этилган.

Шаҳримиз аҳолисига коммунал хизматлар кўрсатувчи шаҳар муҳандислик корхоналари ва уларнинг туман бўлими томонидан иқтисодиёт тармоқлари 2009-2010 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари билан бир қаторда ўзларига тегишли ва шаҳар ҳокимлиги томонидан бириктирилган ҳудудларда ҳам байрамга тайёргарлик ишлари кенг кўламли олиб борилмоқда.

Хозиргача улар томонидан 150 минг квадрат метр ҳудуд ободонлаштирилди, 7180 туп даракларга шакл берилди, 14333 та янги дарак ва кўп йиллик кўчатлар, минглаб турфа гуллар экилди, 84 та янги гулзор ташкил этилди, 17 километр суғориш тармоқлари чиқиндилардан тозаланди. Корхоналарга тегишли 61 та бинонинг фасадлари, 21953 погон метр деворлари таъмирланди, 27 та байрам паннолари ўрнатилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, пойтахтимиз юбилейига ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жорий йилнинг 1 августигача тугатиш бўйича жадваллар ишлаб чиқилган бўлиб, барчаси ана шу жадвал асосида давом этмоқда. Албатта, ушбу сайё-ҳаракатлардан қўзланган асосий мақсад кўп қаватли турар жойларда яшовчиларга сифатли хизматни ташкил этиш, барча қулайликларни келаётган куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлашдир. Умид қиламизки, ҳамшаҳарларимиз — истеъмолчилар ҳам кўрсатилаётган коммунал хизматлар тўловини вақтида бажариб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига муҳим ҳисса қўшиб, жонажон Тошкентимизнинг кўтулғу тўйини муносиб нишонлашда бизга камарбаста бўлишад.

Шу билан биргаликда 113 та иссиқлик қозонлари, 83,8 километр/канал-

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати шуниси билан ажралиб, таниқли экспертларнинг эътирофига сазовор бўлмоқдаки, у фақат инқирозга қарши курашиш ва молиявий бўҳрон оқибатларини енгишга эмас, балки шундай шароитда наинки иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, айти пайтда ўсишга ҳам эришиш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Бу ҳақдаги сўнги эътироф Корея Республикаси Президентини Ли Мён Бахнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи асносида баён этилди. Жанубий Корея раҳбари мамлакатимиз 2008 йилда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолгани ва жорий йилда ҳам барқарорлик қузатилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва халқимиз турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий тамойиллари ва устувор вазифалари аниқ белгилаб берилган. Булар корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни, уларга илғор технологияларни жорий қилишни жадал давом эттириш, конъюнктура ўзгаришларига қараб, экспортчи корхоналаримизнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва тежамкорлик орқали махсуслот таннархини тушириш, электр энергетикаси соҳасини такомиллаштириш ва энергия тежашининг самарали тизимларини жорий қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ички бозорда талаб ошишини рағбатлантириш ва шу каби бошқа чоралардир.

Бугун Ўзбекистонга таъна-маломат нисбатан камайгани мамлакатимиз аввалбошданок тўғри йўлни танлагани билан боғлиқдир. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойил орасида давлат бош ислохотчи бўлиши, ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиши ва айти пайтда кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритилиши тамойиллари устувор ўрин тутди.

Ривожланган давлатларда иқтисодиёт ўзини ўзи тартибга солиди, деган тушунча асосида иш юритилар эди. Ҳолбуки, бугун кўплаб эксперт ва олимлар иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда давлатнинг алоҳида ўрни борлигини эътироф этмоқда. Кўплаб мамлакатларда йирик банк ва компаниялар айнан давлат маблағлари ҳисобига жон сақлаб қолаётгани бунинг оддий тасдиғидир.

Шундай қилиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан оғишмай бориб, хато қилмаганидан, давлатимиз раҳбарининг статистикдан яна бир далолат бўлди. Бу ўринда таъкидлаш керакки, келтирилган зарурат йўқ, деб ўйлаймиз. Ўзбекистонда минглаб янги иш ўринлари очилаётгани, иқтисодиётимизга миллионлаб чет эл сармояси кириб келаётгани, глобал инқироз шароитида юртимизга олий мақомдаги делегациялар таширф буюраётгани, йирик инвестицион лойиҳалар юзасидан келишувларга эришилаётгани Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг самараларини кўрсатиб турибди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА Шарҳловчиси

БАДИЙ АКАДЕМИЯДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга таширф буюрган Германиянинг «Грасси» музейи директори Клаус Даймел раҳбарлигидаги делегация аъзолари 19 май кунини Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро муносабатлар барча жаҳалларда, жумладан, маданий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда миллий-маънавий меросни асраб-авайлаш, ўтмишдан ҳикоя қилувчи музейлар фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Германия халқлари ўртасида маданий-маърифий алоқалар йил сайин ривожланиб бормоқда. Бунда «Ўзбекистон — Германия» ва «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамиятларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар турли конференция ва симпозиумлар ўтказиб, икки халқни маданият, санъат, фан ва таълим соҳасидаги ютуқлари билан ўзаро таништирмоқда. Бадий жамоалар ва яқна ижрочиларнинг концертлари, кинофильмлар намойиши, бадий кўргазмалар уюштирилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасида маданий ҳамкорлиқни, музейлараро алоқаларни кенгайтириш, жумладан, экспонатлар алмашувини, қўшма кўргазмалар уюштиришни фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Германия делегацияси аъзолари Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамда Амалий санъат музейини бориб кўрдилар. Муस्ताқиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйдилар.

(ЎЗА)

Сухбатдош
Шарифа ИЛЁСОВА

Инсон ва қонун

Ислохотлар оқимида

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ — ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МУҲИМ ШАКЛИ

Ярашув тўғрисидаги ишларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасида кўрсатилган ўттиздан ортиқ турдаги жиноят киритилган. Жиноят қонунчилиги ушбу институтнинг киритилиши жиноятга оид сиёсатни, ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали восита бўлди. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда қисқа муддатда тарафлар ўрта-

сидаги низо бартараф этилади ва ортиқча сарф-харажатнинг олди олинади, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, «судланган» деган тамгадан фориғ қилинади, жабрланувчининг қонуний талабларини бажариш билан адолатнинг нақадар муқаддаслиги ва қонун устуворлиги тан олинади. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ма-

шақатли меҳнатдан халос бўлади ва суднинг одил судлов органи сифатидаги обрў-эътибори ошади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакриқ тўртинчи сессиясидаги «Адолат — қонун устуворлиги» деб номланган тарихий нутқида қайд этилганидек, «Жабрланувчи билан ярашув

тўғрисидаги алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади». Бунинг замирида шарҳона кадриятлар, миллий урф-одатлар, адолат ҳамда кеңиримлик ва алоҳида, қонун устуворлиги мавжуд.

Ярашув институтининг моҳияти шундаки, ижтимоий ҳафти катта бўлмаган жиноят содир этган шахс ўз айбига иқроор бўлганда, шунингдек, жабрланувчи ярашувда ихтиёрий равишда иштирок этиш истагини билдирган ва жабрланувчининг қўрғани зарари ўрни қопланган тақдирда, ярашув муносабати билан жиноий жавоб-

гарликдан озод этилади. Таъкидлаш керакки, бу институт ўзбек халқининг миллий қадриятларини ўзида акс эттирди. Халқимизнинг табиатида мос келадиган мана шундай усулдан фойдаланиш туфайли 2003 йилдан бугунгача 60 минг нафардан ортиқ киши жиноий жавобгарликдан озод этилди ва бинобарин, худди шунча жабрланувчининг ҳуқуқи тикланди.

Мақсуд институтнинг қўлланилиши туфайли республикада судланганлик ҳолати сезиларли даражада қолмади.

Зухра МУСАЕВА, Санам АЗИМОВА, хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар

Сўранг, жавоб берамиз

Савол: — Фуқаролар ўртасида тузиладиган битим деганда нимани тушуниш мумкин? Уларнинг турлари ва шакли ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлмоқчи эдик.

Озод Саримсоқов, Нодир Салимов, Собир Раҳимов тумани.

Жавоб: — Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга айтади.

Битимлар бир, икки ёки кўп тарафлама (шартнома-лар) бўлиши мумкин.

Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафининг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади.

Шартнома тузиш учун икки ёки уч, ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб, хоҳиш билдирган бўлиши керак.

Битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади.

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувиде ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Шахснинг ҳатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси белгиланган бўлса, оғзаки ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

Жетон, патта ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатлардан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак.

Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланилишига йўл қўйилади.

Икки тарафлама битимлар ҳар бирини бераётган тараф имзолаётган ҳужжатларини ўзаро айирболаш йўли билан тузиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувиде битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин. Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли битимни шахсан ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига битимни битимни бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бошқа фуқаронинг имзоси нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан гувоҳлантирилиб, битим тузувчи уни шахсан ўзи имзолай олмаслигининг сабаби кўрсатилиши шарт.

Ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижронини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли. Оғзаки тадбиркорлик битимини бажарган тараф ҳам ана шундай ҳуқуққа эга, тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битимлар бундан мустасно.

Савол: — Қайси ҳолларда эр-хотинини ФХДЭ бўлиши ва суд қонуний никоҳдан ажратди, ажратиш ман этиладиган ҳолатлар ҳам мавжудми?

Гулнора Қосимова, Шайхонтоҳур тумани.

Жавоб: — Бевоҳита Сизнинг саволингизга жавоб беришдан аввал никоҳнинг туғатилиши асослари ҳақида бироз тушуنча бериб ўтиш керак.

Эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ туғайди.

Никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд томонидан муомалаларга лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ туғатилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

Суд ишининг қўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашув учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли.

Агар суд эр ва хотиннинг бундан буйири билгалликдаги яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратди.

Оила кодексининг 42-моддасида белгилаб қўйилгандек воғга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан ФХДЭ бўлишида ажратилади.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулк билан мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мувожабат этишга ҳақли.

Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича ФХДЭ бўлишида қўйилган ҳолларда никоҳдан ажратилади:

агар эр-хотиндан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалаларга лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатда озодликдан маҳрум қилинган бўлса.

Хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзгастиришга ҳақли эмас.

Савол: — «Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи» деганда нималарни тушуниш мумкин? Бу ҳақда қонунчиликда нималар дейилган?

Асрор Худойкулов, Учтепа тумани.

Жавоб: — Турар жой хусусий ёки давлат мулк бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли турар жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига қўра эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Турар жойларнинг қўриқилиши ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли руҳсатномаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Хусусий мулк бўлган уйлар, квартиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса унга, квартирага мулк ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Турар жой фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда суднинг қарорига асосан мажбурий тарзда олиб қўйилиши мумкин.

Мавлюда НОСИРОВА, ҳуқуқшунос

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ТУРМУШ БАРҚАРОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Оила—жамиятнинг пойдевори. Жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини, мўтадиллигини ундаги мавжуд оилаларнинг ижтимоий турмуш даражасидан англаб олиш мумкин. Шу боис ҳам юртимизда оила авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, фарзандлар камолга етадиган азиз даргоҳ сифатида улуғланади.

Аждодларимиз оиллага юзаки муносабатда бўлишни қоралашган. Шарият қоидаларида оила мустаҳкамлиги, никоҳ бузилмаслиги таъминланган. Оиллага бўлган ҳурмат, эътиқод, асраб-авайлаш, мустаҳкамлигини сақлаш каби муқаддас тушунчалар унда ўсиб-улғаяётган фарзандлар онгига сингдириб борилган. Бу қадимий анъана, урф-одатлар турмуш барқарорлигига хизмат қилиб, асрлар мобайнида сайқал топиб келган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён азалий анъаналаримизни ўзида муҳассам этган қўллаб-қувватлаш, никоҳ меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Буни давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги, 2007 йил 18 майдаги «Еш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ва Фармонларида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу аҳамиятга молик ҳужжатларда оилавий муносабатлар ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланган. Шунингдек, «Оилага тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дасту-

ри», «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорлар оила ва турмушга нисбатан масъулиятни тубдан кучайтиришга хизмат қилади. Ушбу ҳужжатларда белгиланган тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилганда оилалар иноқлиги ва мустаҳкамлиги тўла кафолатланади. Натияжада айрим оилаларда беқарорликка сабаб бўлаётган масалалар, масалан, оталикни белгилаш ва ёлғиз оналар муаммоси ҳам ечимини топади.

Юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда. Оиллага доир қонунчилик меъёрларини, Президентимизнинг Фармон ва Қарорларини ҳаётга татбиқ этган ҳолда, турмуш ва никоҳ мустаҳкамлиги мавзусида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бундан қўланган мақсад, оила қураётган ёшларнинг оиллага бўлган ҳурмат-эътибор туйғусини уйғотиш баробарида, оиллага соғлом муҳит яратиш, бахтли болаликни таъминлашга қаратилган.

Дарҳақиқат, оила қанча мустаҳкам бўлса, турмуш ҳам шу қадар барқарор бўлади. Умрнинг бахтли ва фойдали оилалари, неъматлари барчага бирдай татийди. Шу нуқтаи назардан амалдаги қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва мустаҳкамлигини кафолатлайди.

Малика БОБОЖОНОВА, Ҳамза тумани ФХДЭ бўлими мудираси вазиасини бажарувчи



ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ ТУШУНТИРИЛДИ

Одам савдоси муаммоси кейинги вақтларда нафақат ички ишлар идоралари ходимларини, балки кенг жамоатчиликни ҳам ташвишга солмоқда.

Маълумки одам савдоси — ўта оғир жиноят ҳисобланади, инсон кадр-қимматига қўра солувчи трансмиллий жиноятчилик қўриқларидан биридир. Бу жиноятлар эса чегара билмайди, энг ачинарлиси ўз домига эндигина ҳаётга кириб келаётган, иродаси чарчланмаган ёшлар ва аёлларни тортади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қўра дунёда ҳар йили тахминан 2,7 миллион киши бундай муҳим жиноятнинг қурбони бўлмоқда. Шу билан бирга 600 800 мингтадан ортиқ аёллар ва бола-лар турли фибрибгарлик ва алдов йўллари билан хориқга олиб кетилиб сотиб юборилар экан.

Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ушбу жиноятга қарши курашиш мақсадида бугунги кунда мамлакатимизда турли йўналишдаги профилактик ишлар маҳалаларда ва барча таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

Хусусан 1-Тошкент педагогика коллежида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Чилонзор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва коллеж раҳбарияти томонидан «Инсон, унинг кадр- қиммати ҳар нарсадан

улуғ» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам одам савдосининг олдини олиш ва ёшларни оғоҳ бўлишга чакриш мақсадида ташкил этилди.

Унда сўз олган коллеж директори Шавкат Курбонов, шаҳар Адлия бошқармаси ходими Абдор Бердиев ва бошқалар долзарб мавзу қаторидан ўрин олган ушбу иллатнинг муҳим қўриқларини ҳақида маъруза қилдилар ва савол-жавоблар орқали фикр-мулоҳазаларини ёшлар билан ўртоқлашди. Бугунги кунда Республикада биринчи навбатда болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари қўламини кенг қоралар билан ҳимоя қилинаётгани, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани ҳақида тўхталиб ўтилди.

Туман ёшлари, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этган ушбу тадбирдан йигилганлар катта таассурот олдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: 1-Тошкент педагогика коллежида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Огоҳлик — давр талаби ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Мамлакатимизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаётда, гиёвандлик, нарқобизнес каби жиноятларнинг олдини олиш, унинг аянчли оқибатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда. Анж мисоллар орқали тушунтирилиб, видео-роликлар кўрсатилмоқда.

Масалан, одам савдоси билан шугулланиб, унинг ортидан мўмайгина даромад топишни ўзига мақсад қилиб олган фуқаро

З. Жалолова воғга етмаган бир гуруҳ қизларни алдаб, уларни Қозоғистон Республикасида яшовчи «Салиха» ва «Гуля» исмли номаълум шахсларга катта бой-лик эвазига сотиб юборади. Унинг бу қилими гарчи оғир жиноят ҳисоблансада, аммо у бу ишни ора-қасида қандай жазо қутаётганлигини билмасди. Жабрланувчи шахсларнинг берган кўрсатма ва

гувоҳлиги бўйича З. Жалолова уларни хориқда оддий ишчи қучи эмас, балки шахвоний мақсадлар йўлида сотиб юборганлиги маълум бўлади. Олиб борилган тинтув ва юзлаштириш натижаларига қўра жиноятчи ўз айбига иқроор бўлиб, содир этган қилмишидан пушаймон эканлигини суд жара-ёнда баён этди. Жиноят кодек-сининг 168-моддаси, 1-қисмига

биноан фибрибгарлик, яъни алдаш ёки ишончини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганин мулкни қўлга киритиш ҳамда 135-модда, 3-қисмига қўра, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бирик-тириб, воғга етмаган шахсини шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан тақроран Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-дан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этган жинояти учун айбланувчи жиний жавобгарликка тор-тилди.

Бундай воқеаларни қўллаб келтириш мумкин. Аммо огоҳлик — давр талаби бўлганидек, ҳар бир фуқаро атрофдагиларга нисбатан бепарқ бўлмай, ўзига хушёр бўлса, шундангина уни ҳеч ким тан-лаган йўлидан қайтара олмайди, деб ўйлаймиз.

Бекзод ЛАТИПОВ, Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси

Тадбирлар

ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан то биз яшаётган ҳозирги кунимизга қадар бутун ер юзи бўйлаб гиёвандлик балоси аср вабоси сифатида барчани ташвишга солиб келмоқда.

Кун кеча Юнусобод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Оила маросимлари маркази ҳамда «Собиробод» маҳалласи ҳамкорлигида «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам ёшларни ушбу иллат таъсиридан сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилага тиббий савдонлиқни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси ҳамда воғга етмаганлар орасида ВИЧ/ОИТС ва гиёвандликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари

ва ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган туман ҳокими ўрин-босари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Е.Ражапова, Оила маросимлари маркази иш юритувчиси Р.Қарабаева ва «Собиробод» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси М.Исҳоқовалар гиёвандлик инсон жис-мини қанчалик хароб қилса, худди шунинг-дек шахснинг ва жамиятнинг мол-мулкига ва бойлигига ҳам мислсиз зарар еткази-ши, тинч-тотув оилаларни бузиши, бола-ларни етим қилиши, қашшоқлик, муҳтож-ликда яшашга мажбур этиб охи-р-оқибат ка-саллик ўлим билан аяқланиши ҳақида ми-соллар келтириб, фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, сурун-қасига гиёвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида инсон асаби доимий ра-

вишда таранглашадиган, таъсирчан ва иро-дасиз бўлиб қолади. Инсонда қўриш, эши-тиш, ҳид билиш, фикр юритиш, иссиқ-совуқни, қаттиқ-юмшоқни, ширин-бема-зани сезиш хусусиятлари йўқолади. Асаб ҳужайралари, маълумки, ҳаёт моддаси сан-ламмиш протоплазмадан таркиб толган бўлади. Қора дори этиб бориб у билан «мулоқот» қилган пайтда шу ҳаёт моддаси-га қаттиқ зарар етади. Натияжада у ўз ҳа-қатини тезлаштирилади ёки ўта сусайтиради ёхуд тиришиш, тортишиш ҳолати пайдо бўлади. Охи-р-оқибатда, протоплазмага ўтказилган бундай салбий таъсирлар уни гиёвандлик модда истеъмолсиз яшай ол-майдиган ҳолатга келтириб қўяди.

Гиёванд моддани доимий истеъмол қилишга дучор бўлган қашандалар, ухлай олмаслик, сустилик, аъзои-баданнинг орги-

ши, иштаҳасизлик, ғамгинлик, кўзнинг ёшланиши, титроқ, серпешоблик, увийиш, томиларнинг бўртиб чиқиши, юрак ўйна-ши, кўнгил айнаши, қайт қилиш каби сал-бий ҳолатларга гирифтор бўлади.

Шунингдек, тадбирда гиёвандликнинг жамиятга етказадиган зарарлари, ушбу ил-латта мубтало бўлган кимсада аввало ўзига, сўнг оиласига, қасбига ёки ўқишга нис-батан қизиқиш, аҳамият ва парво ҳислари қолмаслиги, айниқса ишлаб чиқариш ва та-раққиётнинг асосий қучи саналмиш ёш ав-лодини ундан сақлаш, соғлом турмуш тар-зининг афзаллигини улар онгига етказиш бўйича ҳам савол-жавоблар ўтказилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, гиё-вандликнинг салбий оқибатлари фақат шах-с ёки жамиятгагина эмас, балки бутун мам-лакатнинг соғломлиги ва барқарорлигига путур етказиши, сиёсий тизим ва қонунчи-ликнинг издан чиқишига ҳам сабаб бўли-ши мумкин. Шу боис ҳам ушбу бало до-мига тушиб қолмаслик учун соғлом фикр-ли кишилар биргаликда ҳаракат қилиш-лари керак.

Мухтабар МИРЗАЕВА, Оила маросимлари маркази 2-тоифали иш юритувчиси.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ ХИКМАТЛАР

МУҲСИНИЙ

Ўлмасун озурдахотир халқ,
яхши хулқ қил,
Инжиса мардумни кўнгли,
феълу атворинг абас.

Айлама зоеъ азиз умрунгни
нодонлиг билан.

Сўрмаса ҳолинг ошнодин кеч,
Балки хешону акробдин кеч.

Жаҳон лаззотиға кўп чекмагил ранж,
Ачигдурким ахири — тамъи норанж.

Эл ичра ўлғуси қадри зиёда,
Садоқат бирла ўлса ким суҳансанж.

Агар оғрутсалар кўнглунгни олам,
Эрур узлат давоси ушбу куланж.

Эмастур бемашаққат қори олам,
Киши кўрдунгму беандуху беранж.

Кўнгулни раҳм ила қилгил мулойим,
Нечандонки, кимса демасун ланж.

Икки дунёда кўродур ул киши
беҳбудлиг,
Элга хулқи хуш ила ҳар кимки
беозордур.

Ким узун умр истагай,
элга адабомуз ўлур,
Хулқи хуш айлаб, чучук тил
бирла шаққар сўз ўлур.

Этма зоеъ умрунгни бехуда,
сен оғох бўл,
Ўтгуси даври жаҳон бу ранг —
шому рўз ўлур.

Навбахори умрунга етмай
туриб боди ажал,
Фикр қил, фасли гули
умрунга охир куз ўлур.

Кечурму бўйла ҳолинг,
Муҳсиний, давр айланур афлок —
Ки, бўлмасдин қолурму
дилдаги ҳар муддао ҳаргиз.

Бормукин ота-анодек меҳрибон,
шафқат шиор,
Билмадик қадрини, айлаб чун
аларга нозу нуз.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент Тиббиёт академиясининг жамоаси ва қасаба уюшмаси даволаш факультетининг асаб касалликлари кафедрасида доцент лавозимда ишлаган II жаҳон уруши қатнашчиси
Анвар Абдуллаевна МУХАРРАМОВАнинг вафот этганиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

Футбол бўйича мамлакат XVII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ташкилланган 10-тур беллашувларининг марказий баҳси Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтди.

Унда азалий рақиблар «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўзаро беллашдилар. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар сафар бу икки жамоанинг баҳси қизиқарли, шиддатли курашлар остида кечган. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Бироқ маҳорат, тажриба бобида устунлик қилган Виктор Жалилов шогирдлари меҳмонларга ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Меҳмонлар дарвозаси томон уюштирилган хавфли ҳужумлар самара бериб, 90 дақиқа мобайнида фарғоналиклар дарвозаси уч марта ишғол этилди. Юрий Саркисян шогирдлари ҳам «Пахтакор» дарвозаси олдида бир неча марта ажайиб ҳужумлар ташкил этишининг уддасидан чиқибди, бироқ Нестеров кўриклаётган дарвозани аниқ нишонга олиш «Нефтчи» аъзоларига насиб этмади. Мухлисларга қувончли онларни ҳаёда этган голлар Миладинович ва Зайниддин Тожиев (2 та) томонидан киритилди. Учрашув 3:0 ҳисобида яқунланди.

Андижонда «Андижон» жамоаси меҳмони бўлган амалдаги чемпион «Бунёдкор» командаси мурасиёз ўтган учрашувда меҳмонлар устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Дарвозаларга тўпларни «Андижон»дан Мирҳолдишоев, «Бунёдкор»дан Ривалдо ва Солиев йўллашди.

Шаҳримизнинг яна бир жамоаси «Локомотив» ўз майдонида «Олмалик» командасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб муҳим очколарни қўлга киритди. Шу кунги мухлислар «Локомотив»дан Кликунов (2 та), Манзукас, «Олмалик»дан Востриков томонидан киритилган голларнинг гувоҳи бўлишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — «Хоразм» — 1:0, «Бухоро» — «Машъал» — 1:1, «Насаф» — «Кизилқум» — 2:0, «Навбахор» — «Динамо» — 1:0, «Металлург» — «Сўғдиёна» — 3:1.

Мамлакат XVII миллий чемпионатининг 11-тур беллашувлари 23, 25 май кунлари бўлиб ўтади.



Кўрғазмалар

ҲАЁТНИНГ ТУРФА ҚИРРАЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида словакиялик фотоижодкор Сильвия Вацуликваннинг «Инсонлар олами» номли кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўрғазмадан ўрин олган суратларга назар ташлар экансиз, унда оддий кишилар ҳаёти, жаҳон халқлари маданияти мавзулари ўрин олганлигининг гувоҳи бўласиз. Бироқ ушбу суратларда фотоижодкор ҳаётга тегароқ назар ташлайди, унинг киши илғамайдиган нозик қирраларини акс эттиришга ҳаракат қилади.

Таъкидлаш жоизки, кўрғазмада намойиш этилаётган суратларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО, Фотография санъати халқаро федерацияси томонидан ўтказилган халқаро танловларнинг совриндори бўлган.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: кўрғазмадан лавҳа Алексей Попов олган сурат

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 9 июнь кuni соат 11.00 да такроран бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 03.10.2008 йилдаги №ЖСХ 1-465-08-сонли иккo варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 19-мавзе «Утюр х/к» савдо ташкилотининг ҳисобидан сакланган: 1. «Нексиа» русумли, д/р М 55-67 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 15 254 174 сўм. 2. «Нексиа» русумли, д/р М 66-73 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 15 254 174 сўм. 3. «SUZUKI FORENZA» русумли, д/р М 69-09 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 28 450 014 сўм.

4. Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Оқўзгон тумани судининг 15.01.2009 йилдаги 38/2009-сонли иккo варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти ИИБ ЙХБ жарима майдончасида сакланган: «Daewoo Tico» русумли д/р А532ВХН бўлган 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 7 343 604 сўм.

Маъмур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Спорт янгиликлари

РАҚИБИМИЗ МАЪЛУМ

Аввал хабар берганимиздек, Наманган шаҳрида теннис бўйича уюштирилган Дэвис Кубогининг саралаш турнирида япониялик ракетка усталари билан куч синашиш умумий 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган Ўзбекистон терма жамоаси кейинги босқичга йўлланма олган эди.

Кунги кеча Лондон шаҳрида жойлашган Халқаро теннис федерацияси ташаббуси билан жаҳон гуруҳида куч синашадиган жамоалар учун қуръа ташлаш маросими уюштирилди. Унга қўра Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари сербиялик ракетка усталари билан беллашадиган бўлишди. Ушбу мусобақаларда терма жамоамиз шарафини Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Важа Узоқов ва Мурод Иноятловлар ҳимоя қилишади.

(Ўз мухбиримиз)

РИНГДА ЁШ БОКСЧИЛАР


Навоий шаҳрида бокс бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида иштирок этган 1991-1992 йилларда турлида спортчилар ўн икки вазн тоифасида ғолиблик учун рингга чиқди.

Мусобақада барча рақибларини мағлубиятга учратган андижонлик П.Ҳожиёв, Д.Турдиев, М.Абдуллаев, навоийлик Ф.Боймуродов, фарғоналик Ж.Чўлпонов, Ф.Норматов, жиззахлик М.Солипов, Б. Айтбоев, Ф.Фойибназаров, чирчилик А.Мамажонов, хоразмлик Б.Исмомилов ва тошкентлик И. Эргашев олтин медаль билан тақдирланди.

ПОЙТАХТЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Пойтахтимизда ўтган мамлакат чемпионатида спорт усталари ўртасида гимнастика анжонларида бажарилган машнак бўйича пойтахтлик спортчилардан Лунза Галиуллина иккита, Тамара Русанова ҳамда Диана Каримжанова биттадан олтин медални қўлга киритди.

Эркаклар баҳсида андижонлик Равшан Осимов уч маротаба шоҳсупанинг энг юқори логонасига кўтарилди. Тошкентлик Эдуард Шаулов иккита, самарқандлик Шам-



суддин Ёқубов битта олтин медалга сазовор бўлди.

ФУТЗАЛЧИ ҚИЗЛАР БАҲСИ

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт аренасида футзал бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақаси бошланди.

Биринчи кунги беллашувларда мамлакат кубогининг амалдаги соҳиби — Қаршининг «Севинч» жамоаси ўз ҳамшаҳарлари — «Олимпия» футзалчиларини 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Строитель» (Зарафшон) — «Севинч-2» (Қарши) — 4:3, «Олимпик» (Тошкент) — «Гулбахор» (Наманган) — 6:0.

«СКИФ» — ЭНГ ЗЎР

Хотин-қизлар ўртасидаги мамлакат чемпионатининг учинчи тур беллашувларида Тошкентнинг «СКИФ» жамоаси мuddатидан олдин чемпионликка эришти.

Пойтахтлик волейболчилар иккита учрашувда «Зарбдор» (Жиззах) ва «Хоразмколлеж» (Урганч) жамоаларини бир хил — 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи ўринда бораётган Муборакнинг «Аланга» жамоаси ҳам «Хоразмколлеж» вакилларида 3:0 ҳисобида устун келди.

Боҳир БЕК

БАРКАМОЛ ШАҲС КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий университетида «Баркамол шахсни тарбиялашда миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинарда ёшлар тарбиясида хотин-қизлар маънавияти ва маданиятининг ўрни ҳамда мустақиллик йилларида уларнинг маънавий-маърифий етуқлигини таъминлаш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, бугун мамлакатимизда миллий ўзлимизни англаш, маънавий қадриятларимизни юксалтириш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хар қандай мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти унда яшовчи халқнинг маънавий етуқлиги билан белгиланади.

Маънавий етуқлик эса мамлакатда маънавият масалаларига берилаётган эътибор орқали намоён бўлади. Республикаимизнинг олимпиадалари иштирок этган мазкур семинарда ана шуларга алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларга таъ-

лим-тарбия бериш баърида уларнинг маънавий камолотига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда баркамол шахсни тарбиялашда аёл маънавияти ва маданиятининг ўрни масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Анжуман давомида республикамиз олимпиадаларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, уларнинг устоз ва шогирд тизимдаги фаолиятини тўғри йўлга солиш орқали ёшларнинг ҳам илмий, ҳам маънавий-маърифий етуқлигини таъминлашга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш мақсадида «Аёл маънавияти ҳаёт зийнати» мавзусида минтақавий сайёр давра суҳбатларини ташкил этишга қилишиб олинди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Шахмат хангомалари

ГИПНОЗ ПИСАНДМАС

Тал билан бўлган матч-реваншда Ботвинник ўз унвонини ишонч билан қайтариб олган, кўпчилик ундан рақибининг бошқа гроссмейстерларни мувозанатдан чиқарган гипнози ҳақиқат бермадим деб сўрашарди.

— Менинг омадим келди,— дея жавоб беради Ботвинник,—яқинни кўра олмаслигим боис мен Тал-

нинг кўзларини кўролмасдим ва гипноз ҳам менга таъсир қилмасди.

ТАРВУЗ ЭЪТИРОФ БЕЛГИСИ

Шахмат гарчи индивидуал ўйин бўлса-да, Михаил Ботвинник «иттифоқ шахмат мактаби» вакили эканлигини таъкидлаб туришини ёқтирарди.

Кавказдаги Борис Спасский ўйнаётган бир турнирда меҳмон

бўлиб борганида икки қирол шахар бозорини айланиб юришади. Сотувчилардан бири Спасскийни таниб қолиб қақиради:

—Уртоқ Спасский, менга сизнинг ўйинингиз жуда ёқади. Мана бу тарвуз сизга совға.

Жаҳон чемпиони тарвузни ёқтирмасди, совгани рад қилади. Шунда Ботвинник унинг биқинига туртиб, шипшыйди:

—Борис Васильевич, тарвузни олиб, бу мухлиснинг кўлини сиқиб кўйинг. Ахир бу шўролар шахмат мактабининг эътирофи-ку! Шодмон ОТАБЕК тайёрлади

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 406

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бўшқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3752 нусхада босилади.
Қозғоқ бивтими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.